



# СУВ УЛЧАШ УСКУНАЛАРИ



## СУВ ЎЛЧАШ НОВЛАРИ

Бошқа кўп ишлатиладиган сув ўлчаш ускуналари бу сув ўлчаш нов (лоток)ларидир. Сув ўлчаш новлари канал қисмини ўзига хос сиқилган аниқ ўлчамли секциядан ташкил топади. Сув ўлчаш новларини водосливларга ниспатафан афзаллиги бўлиб сув сатхи ўзгаришининг кичиклигидадир. Бу эса Ушбу ускуналарни кичик нишабли каналларда ҳам ишлатилишига имкон беради. Сув ўлчаш новларининг камчилиги бўлиб уларнинг водосливларга ниспатафан қимматлиги ҳамда бошқа сув ускуналар билан бирганликда ишлай олмаслиги киради. Водосливлар каби сув ўлчаш новлари ҳам битта кўрсаткич – сув чўқурлиги асосида сув сарфини аниқлашга имкон беради.


Энг кўп тарқалган сув ўлчаш новлари бу Parshall ва RBC новлари хисобланади.

### PARSHALL НОВИ

Parshall нови асосий учта қисмдан иборат бўлади:

- Оқим йўналишига қарши кенгаювчи қисм;
- Ўрта (буйин) қисми;
- Оқим йўналиши бўйича кенгаювчи қисм.

Parshall нови стандарт ўлчамларга эга бўлиб, уларга қурилиш ва фойдаланиш даврида сув сарфини аниқ топиш учун амал қилиш зарур. Parshall новининг кўриниши қўйидаги расмда келтирилган




Паршал нови кириш қисми  $L=0,46$  м учун сув сарфининг напорга боғлиқлиги

H	Q	H	Q
0.03	5.8	0.20	89
0.04	7.4	0.21	96
0.05	11	0.22	103
0.06	18	0.23	110
0.07	22	0.24	118
0.08	26	0.25	125
0.09	31	0.26	133
0.10	35	0.27	141
0.11	35	0.28	149
0.12	41	0.29	157
0.13	46	0.30	166
0.14	51	0.31	174
0.15	57	0.32	183
0.16	63	0.33	192
0.17	69	0.34	201
0.18	76	0.35	210
0.19	82		

### RBC НОВИ


RBC нови қисқа трапецияли қисмдан иборат бўлиб у новнинг асосига ўрнатилади. Қурилиш даврида RBC новининг стандарт ўлчамларига тўлиқ амал қилиш шарт эмас, чунки ҳар бир RBC нови учун алоҳида «сув сатхи-сув сарфи» жадвали тузиб чиқиш мумкин.



Паршал нови оғиз қисми  $B=0,20$  м учун сув сарфининг напорга боғлиқлиги

H	Q	H	Q
0.03	1.8	0.12	19
0.04	2.9	0.13	22
0.05	4.2	0.14	25
0.06	5.7	0.15	29
0.07	7.4	0.16	32
0.08	9.3	0.17	36
0.09	11	0.18	40
0.10	14	0.19	45
0.11	16	0.20	49

### СУВ ЎЛЧАШ ОСТОНАСИ (САНИИРИ)



$$Q = 1,225 \cdot \frac{P^{\frac{2}{3}}}{n} \cdot H^2 \cdot \sqrt{I}$$

Сув ўлчаш лотогининг асосий кўрсаткичлари

Лоток	Кўрсаткичлари						
	ЛР-40	ЛР-60	ЛР-80	ЛР-100	ЛР-120	ЛР-140	ЛР-160
Марка							
Чуқурлиги, см	30	60	80	100	120	140	160
Кенглиги, см	80	98	113	167	183	198	212
Кесим юзаси, м <sup>2</sup>	0,21	0,39	0,60	1,12	1,46	1,85	2,26
Оғирлиги, кг	945	1445	1775	2568	2922	3962	4360
Мах сув ўтка-зиши, л/сек	100	200	380	1000	1200	1700	2300